

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Т.Бакиров**

Комплекс сонлар: мактаб ва олий ўкув юртида ..... 6

## КИМЁ

**Ф.Умурев, М.Амонова, М.Амонов**

Флокулянт ва адсорбентлар ёрдамида оқова сувларни тозалаш жараёнини ўрганиш ..... 13

**С.Хушвактов, М.Жураев, Д.Бекчанов, М. Мухамедиев**

Поливинилхlorид асосидаги азот ва олтингугарт тутган поликомплексонга кобальт (II) ва хром (III) ионларининг сорбцияси..... 19

**А.М.Хурмаматов, О.Т.Маллабаев, О.К.Ергашев**

Нефтни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган техник сувнинг қаттиқлигини пасайтириш ва юмшатиш бўйича тадқиқот натижалари ..... 27

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**О.И.Абдуғаниев, Б.А.Үринова**

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими ва барқарор ривожлантириш стратегияси..... 34

## Ижтимоий-гуманитар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

**А.Абдуллаев, К.Курпаяниди**

Рақамли иқтисодиётда бизнес юритиш хусусиятлари ..... 39

**С. Исмоилова**

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўл-йўриқлари ..... 44

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**М.Тошбекова**

Глобаллашув шароитида мафкуравий тўқнашув ва унинг оқибатлари ..... 50

**А. Юлдашев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув академиясининг фаолиятини ривожлантириш хусусида ..... 57

**Д.Тошалиев**

Рост мақомидан сарахбори рост шульбасининг таҳлилий масаласига доир ..... 63

## ТАРИХ

**М.Х. Исамиддинов, З.О. Рахманов**

Саразм ва Фарғона: ўзаро таъсир ва алоқалар ..... 68

**Х.Эшов**

Маънавий таҳдидларга қарши кураш тушунчасининг генезиси ва эволюцияси ..... 75

**Р.Арслонзода, Х.Мамуров**

Совет ҳокимияти оппонентларининг эсдаликлари тарихий манба (Ўзбекистон материаллари) асосида ..... 82

**У.Халмуминов**

“Насабнома”ларда илк ўрта асрлар Фарғона тарихининг акс этиши ..... 86

**Н.Ҳамаев**

Мухториятнинг тугатилиши ва истиқполчилик ҳаракатининг бошланиши жадид матбуоти кўзгусида ..... 91

**D.Ismoilova, M.Khaitova**

XIX охири - XX аср бошларида Ислом динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролининг тарихшунослиги ва манбашунослиги ..... 97

ТАРИХ

УДК:

## МАЊНАВИЙ ТАХДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТУШУНЧАСИННИГ ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

ГЕНЕЗИС И ЭВОЛЮЦИЯ ПОНЯТИЯ БОРЬБЫ ПРОТИВ УГРОЗ ДУХОВНОСТИ

GENESIS AND EVOLUTION OF CONCEPT OF FIGHTING AGAINST SPIRITUAL THREATS

Х.Эшов<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Х.Эшов

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Мањнавият ва маърифат” маркази бўлими бошлиғи.

### Аннотация

Глобаллашув жараёнлари оқибатида давлатлар, халқлар ўртасидаги муносабатларнинг ниҳоятда чуқурлашиб кетаётганлиги ахборот инқилоби, фан ва техника тараққиётининг юксак ривожи билан характерланади. Шу билан бирга, ҳозирги даврда инсон онги ва қалбини эгаллашга қаратилган мафкуравий таҳдидларнинг кучайиб бораётганлиги турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадларнинг амалга оширилаётганлигига ҳам намоён бўлмоқда. “Мањнавият”, “мањнавий таҳди”, “мањнавий таҳдиднинг олдини олиш механизмлари” ва шу каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниши, тўғри идрок этиш давр талаби ҳисобланади. Мақолада шу каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, келиб чиқиши ва тадрижий ривожланишига оид маълумотлар таҳлил қилинади.

### Аннотация

В результате процессов глобализации, отношения между странами и народами становятся все глубже и глубже, что характеризуется информационной революцией, высоким развитием науки и техники. В то же время усиление идеологических угроз, направленных на завоевание человеческих умов и душ, проявляется также и в злых намерениях, преследуемых различными течениями и силами. Понимание и осознание сути и содержания таких понятий, как «духовность», «духовая угроза», «механизмы предотвращения духовной угрозы» являются требованием времени. В статье анализируются данные о сущности, происхождении и эволюционном развитии этих понятий.

### Annotation

As a result of the globalization processes, the relationship between countries and peoples has become much deeper, characterized by the information revolution, the rapid development of science and technology. At the same time, ideological threats aimed at capturing the human mind and hearts grow, and mercenary goals are pursued by various currents and forces. Understanding the essence of the concepts of "spirituality", "spiritual threat", "mechanisms of preventing a spiritual threat", etc. Is the requirement of time. The article analyzes data on the essence, origin and gradual development of such concepts. role of sources in covering historical events and processes is invaluable.

**Таянч сўз ва иборалар:** мањнавият, мањнавий таҳди, глобаллашув, ахборот инқилоби, ҳавфсизлик, сиёсат.

**Ключевые слова и выражения:** духовность, духовная угроза, глобализация, информационная революция, безопасность, политика.

**Keywords and expressions:** Spirituality, spiritual threat, globalization, information revolution, security, politics.

Инсоният тарихида XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларидағи вазият глобаллашув жараёнлари оқибатида давлатлар, халқлар ўртасидаги муносабатларнинг ниҳоятда чуқурлашиб кетаётганлиги, ахборот инқилоби, фан ва техника тараққиётининг юксак ривожи билан характерланади. Шу билан бирга ҳозирги даврда инсон онги ва қалбини эгаллашга қаратилган мафкуравий таҳдидларнинг кучайиб бораётганлиги турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадларнинг амалга оширилаётганлигига ҳам намоён бўлмоқда. Шу мањнода

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқида “Биз бугун инсоният тараққиётининг, таъбир жоиз бўлса, кескин бурилишлар рўй берадиган тарихий босқичида яшамоқдамиз. Кейинги йилларда Ер юзида кескин геосиёсий ўз-гаришлар рўй берди, халқаро миқёсда ҳавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши

нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолок давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда” [1,33], дея таъкидлаган эди.

Бугунги онг ва тафаккуризмизда “маънавият”, “маънавий таҳдид”, “маънавий таҳдиднинг олдини олиш механизмлари” маънавий юксалиш тушунчалари, унинг маъно-мазмуни, зарурлиги ва фарқи тўғрисида аниқ асосланган тасаввурлар, қарашлар шаклланмоқда.

Бу, инсон ва инсон тараққиёти билан узвий боғлиқdir. Маънавиятни тушуниш учун, аввало, инсонни тушуниш зарур. Инсоннинг маънавий юксалиши тараққиётнинг мухим шартидир. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради [1]. Хусусан, инсон ва жамият тараққиётида “маънавият”, “маънавий таҳдид” тушунчаларининг маъно-мазмунидаги фарқни билиш ҳамда унинг ютуқлари, имкониятлари, чекланган томонлари ва хавфли жиҳатларини қиёсий ўрганиш асосида объектив билимларга эга бўлиш долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, “маънавият” ва “маънавий таҳдид” тушунчаларининг талқинига эътибор қаратиш ва ёритиш мухимdir. “Маънавият тушунчаси тўғрисида кейинги йилларда аниқ илмий ёндашув шаклланди”, деб айтиш мумкин. “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” [2,19] деб ҳисоблаш маънавиятнинг моҳиятини аниқ ифодалашга асос бўлади. “Маънавий таҳдид” эса, инсонни руҳан ва қалбан заифлашга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини заиф, иймон-эътиқодини суст қиладиган, виждонини лоқайдликка ва бефарқликка ундейдиган таъсир кучига эга бўлган ғоялар, қарашлар мажмуудир”. Шу нуқтаи назардан, “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим” [2,14]. Кўриниб турибдик, “маънавият” ва “маънавий таҳдид” тушунчалари бир-бирига зид мақсадларни кўзлайди. Тараққиётга ҳам икки хил таъсир кўрсатади: “маънавият” тараққиётнинг

юксалишига хизмат қилса, “маънавий таҳдид” эса, инсон орқали тараққиётнинг таназзулига сабаб бўлиши мумкин. Демак, “маънавият” ва “маънавий таҳдид” тушунчалари моҳиятан ва мазмунан бир-бирига тўғри келмайди. Лекин уни инсонлар томонидан англаш даражасида фарқ сақланиб қолмоқда. Бунинг сабабини тўғри тушуниш ҳам мумкин. Сабаби, инсонларнинг маънавий салоҳияти турли хил эканлиги онг, тафаккур ва дунёқараш даражалари, мақсад ва манфаатларнинг турли хил эканлиги билан узвий боғлиқ. Айни пайтда “маънавий таҳдид” тушунчасининг талқинида умумий ҳолат ва тушуниш мавжуд, деб бўлмайди. Бунда икки хил ҳолат кузатилади. Биринчидан, маънавият тушунчасини қабул қилиш ва уни тўғри тушуниш ҳамда талқин этиш билан боғлиқ. Иккинчидан, маънавият тушунчасини қабул қилмаслик, унга кўшилмаслик ҳолати мавжудлигини таъкидлаш лозим. Асос шундан иборатки, “маънавий таҳдид” бўлиши мумкинми? Ўзи маънавият билан боғлиқ бўлса, маънавий таҳдид тўғрисидаги қарашни қандай тушуниш лозим? Бундай қараш айрим соҳа мутахассислари ўртасида учрайди. Ўзаро сұхбатларда, фикр билдиришларда шундай қарашларни кузатиш мумкин. Бу қанчалик асосли “маънавий таҳдид” тушунчасини қандай тушуниш ва талқин этиш керак? Муаммо кўпроқ уни тушунишда ва талқин этишда эканлигини ҳисобга олиш лозим. “Маънавият” тушунчасини тушунишдаги биринчи талқинга кўшилиш мумкин, деб ўйлаймиз. Таҳдиднинг турли хил асослари, кўринишлари мавжуд. У жуда хилма-хил. Айни пайтда маънавиятга қарши қўйилган, яъни миллий ва умуминсоний маънавиятга қарши, инсонга, унинг онгини, тафаккурини, қалбини ўзгартиришга, уни манипуляция қилишга бўлган уринишларни таҳдиднинг қандай кўриниши, деб баҳолаш мумкин? “Маънавий таҳдид” дегани маънавиятга инсон маънавиятини, қалбини заифлаштиришга, иймон-эътиқодини сустлаштиришга қаратилган бўлса, бу маънавий моҳиятга эга бўлган, унга қарши қўйилган таҳдид кўриниши эмасми? Шу нуқтаи назардан биз “маънавий таҳдидларнинг олдини олиш механизмлари” тўғрисида кўпроқ ўйлашимиз керак бўлади. Чунки у доимо янгиланиб ва ўзгариб бормоқда. Инсонга таъсир этиш ва инсонга таъсир кўрсатиш мотивлари технологияларидан жозибали тарзда фойдаланилмоқда. “Маънавий таҳдид” кўрсатиш технологиялари ўзининг жозибалилиги билан бошқаларни ўзига жалб

## ТАРИХ

этмоқда. Рухий психологияк, манфаатдорлик усулларидан ва хусусиятларидан кенг фойдаланмоқда. Инсоннинг талаблари, эҳтиёжлари ва уни қизиқтирадиган муаммоларга жавоб берадиган бўлиши мұхим.

Маънавиятда ҳам буни ҳисобга олиш мұхим аҳамиятга эга. Айрим ҳолларда маънавий тарғиботда замон билан ҳамнафаслик муаммоларига очиқ-ошкора жавоб бермаслик ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Бундан “маънавий таҳдид” тарафдорлари озиқланмоқда. Одатда, ўзимиз улар учун озуқа бераётганлигимизни ҳамма вақт ҳам тўғри англаб ололмаяпмиз. Буни эса абатта ҳисобга олиш лозим. “Маънавий таҳдид”лар учун бугунги глобал ўзгаришлар, ахборот хуружлари, оммавий маданият, экстремизм ва тероризм билан боғлиқ ҳолатлар, маънавий таҳдид кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги билан характерланади. Бундан ташқари, унга сабаб бўладиган умумий мақсадлар ҳам айрим сиёсий кучларни бирлаштириб турибди. Бу, биринчидан, умумий геосиёсий мақсадлар билан боғлиқ, у мұхим геосиёсий мақсадга айланган. Иккинчидан, демократик жамият ривожланишидаги айрим камчиликлар ва салбий ҳолатлар, масалан, қонунга итоат этмаслик, манфаатларни бир томонлама ҳисобга олиш, умуммиллий манфаатларни англамаслик билан боғлиқ бошқарув ҳолатларида кузатилади. Учинчидан, турли хил манфаатлар ўзаро маънавий манфаатдорлик, инсон эркинлиги ва манфаатларининг устуворлигини амалда таъминлаш билан боғлиқ ҳолатлардаги нұқсонлар. Тўртинчидан, амалий фаолиятда учрайдиган камчиликлар ҳам “маънавий таҳдид” учун озуқа манбаи бўлиб хизмат қиласди. Бешинчидан, таълим-тарбия ва маънавий-мъерифий соҳаларда фаолият олиб бораётган масъул шахсларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг маънавий қиёфасида учрайдиган айрим камчиликлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бунда, шахснинг “мен”и билан боғлиқ фазилатлар ҳам маънавиятга хизмат қиласа, камчиликлари ва нұқсонлари эса “маънавий таҳдид” учун озуқа бўлиб қолади. Шунинг учун инсон “мен”ни исплоҳ қилишга бўлган эҳтиёж, унга зарурият сезиш, хайриҳо бўлиш масъулияти, маданиятининг юксалиши “маънавий таҳдид”нинг олдини олишининг мұхим механизмидир.

Глобаллашув жараёни ўзининг мураккаб хусусияти билан инсонлар онгида янгича

тафаккур ва шу асосда янгича ҳаёт тарзини шакллантириш жараёнини вужудга келтирмоқда. Ҳозирги цивилизация даврида глобаллашув жараёни ўз ичига замонавий ишлаб чиқариш воситалари, юқори сифатли ахборот-коммуникация ва бошқа технологияларни қамраб олиши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга глобаллашув туфайли вужудга келган дунёнинг янги манзараси, жаҳонга ҳукмронлик қилиш сиёсатининг шакли ўзгарғанлиги ҳамда янги ички ва ташқи хатарлар, таҳдидлар сабабли жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш масаласи долзарб вазифага айланди.

Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув жараёнлари энг янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари тизимлари, меҳнат унумдорлиги учун кулай шароитлар яратиб, чекланмаган имкониятларни очиб бермоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, жаҳон иқтисодиёти тизимиға интеграциялашув жараёнларининг фаоллашувига хизмат қилмоқда. Аммо ўзгариб бораётган дунё мантиғининг чуқур мазмун-моҳиятини, ҳозирги кунда вужудга келаётган ихтилоф ва зиддиятларнинг сабабларини тўғри аниқлаш, чалғимаслик зарур. Чунки, ҳозирги пайтда тараққиёт маҳсулининг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш ҳамда ҳис этиш мумкин. Айниқса, “оммавий маданият” никобидаги аксилмаданиятнинг тарқалиш хавфи ҳамда халқларнинг ранг-баранг, бой маънавий ҳаётининг бирхиллашуви, миллий ўзликни англаш туйғусининг сусайиши, эгоизм ва нигилизм каби хатарларнинг кучайиши жаҳонда миллатлар ва халқларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур тадқиқотни мустақил Ўзбекистон маданий тараққиёти тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда миллий, минтақавий ва глобал миқёсда кечеётган мағкуравий жараёнларни таҳлил қилиш асосида жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш технологияларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Аввало хавфсизлик тушунчаси кўп маъноли тушунча эканлиги ва кўплаб соҳаларда ўрганилишини ҳисобга олиб, унинг тор маънодаги мазмунини кўриб чиқсан.

Сиёсатшунос олим Т.Алимардоновнинг фикрича, маънавий хавфсизлик маданияти

хавфсизлик тизимининг мұхим элементларидан бири сифатида жамият аъзолари томонидан англаб етилиши давлат яхлитлигини, суверен мустақиллигини мустаҳкамловчи, ижтимоий-иктисодий имкониятларини рўёбга чиқаришга, барқарор ривожини таъминлашга хизмат қилувчи омиллардан ҳисобланади. Маънавий хавфсизлик тизими – бу, миллат руҳияти, салоҳияти, иродасини ифода қилиб, унинг маданияти, тарихи, ўзбек давлатчилиги асослари тўғрисидаги тушунча ва қадриятлар тасаввuri йиғиндисидир. Маънавий хавфсизлик масаласи миллатнинг мавжудлигини белгиловчи вазифалар қаторига киради. У ахлоқий қадриятлар орқали жамият ва унинг маданиятини сақлашга қаратилган яхлит ижтимоий тизимлар фаолиятини ифода қиласди [3,127].

Бизнинг фикримизча, маънавий хавфсизлик - миллый хавфсизлик тизимининг асосий негизи бўлиб, унинг таркибий қисми сифатида маданий, мағкуравий, ахборот, илмий ва диний хавфсизликни таъминлашни ўз ичига оладиган ички ва ташки таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимини тушуниш лозим.

Бугунги кунга келиб, инсонлар руҳиятига таъсир ўtkазиш орқали диний ва миллый қадриятларга путур етказувчи, миллатларнинг турмуш тарзини издан чиқарувчи ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи маънавий таҳдидлар кучайиб бормоқда.

«Маънавий таҳдид»нинг мавжуд бўлиши хавфсизлик назариясида маънавий хавфсизлик соҳасини юзага чиқарди. Миллый хавфсизлик муаммоларига оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда маънавий хавфсизлик миллый хавфсизликнинг асосий соҳаларидан бири сифатида унинг ажralmas қисмига айланиб бормоқда.

### **“Маънавий таҳдид” тушунчасининг талқини**

Маънавий хавфсизликни таъминлаш учун глобаллашув жараёнлари натижасида кучайиб бораётган «маънавий таҳдид»лар категориясининг мазмун ва моҳиятини аниқлаб олиш лозим. Мазкур тушунчанинг мазмун ва моҳиятини ёритишга бўлган турлича ёндашувлар бўлиб, уларнинг ўзига хос жиҳатларини қўйида таҳлил қиласиз.

Миллый маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидлар ўз тарихига эга бўлиб, маънавият соҳасидаги етакчи олимларидан бири, профессор С.Отамуродов уларни олти даврга ажратган:

- ислом динининг Ўрта Осиёга кириб

келишигача бўлган давр;

- арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва ислом динининг Ўрта Осиёда амал қила бошлаган даври;
- мўғулларнинг (Чингизхон) Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлиқ бўлган давр;
- чоризмнинг Ўрта Осиёга кириб келишигача бўлган давр;
- большевикларнинг Россия давлат тепасига келиши ва шуро ҳукмронлигининг қарор топиши билан боғлиқ бўлган давр;
- глобаллашув жараёнининг авж олиши билан боғлиқ ҳозирги давр [4,218-219].

Олим ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларга эгалиги, уларда ҳукмронликни “абадийлаштириш” учун халқнинг онги, қалби, дунёкашини эгаллаш ва шу орқали ўз маънавияти ҳукмронлигини таъминлашга киришилганлигини мисоллар орқали ёритиб берган.

Фалсафа фанлари номзоди Ш.Тўраев маънавий таҳдидларнинг кўринишлари сифатида эътиқодни бузиш, мутаассиблик, хурфикрлиликни бўғиши, инквизиция, халқларни камситиш, муайян маданият шаклини мутлақ деб билиш, эркин фикрни чеклаш, репрессия ва шу кабиларни белгилаган[5,147-149]

Фикримизча, ушбу ёндашувдаги инквизиция ва репрессия тушунчаларига маънавий таҳдидларнинг тарихий кўринишлари сифатида қарашимиз ўринлидир. Мазкур тушунчаларнинг маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, улар маълум бир маънода маънавий таҳдид кўринишларини қамраб олади. Жумладан, инквизиция – бу, XIII асрда тузилган махсус суд муассасаси бўлиб, католик черковининг эркин фикрларига, Папа ҳокимияти ғоявий душманларига қарши курашишда кўпланилган. Ушбу даврларда сиёсий тизим ва черков доктринасининг ғоявий мухолифлари сифатида кўплаб олим, ёзувчи, зиёлилар қурбони бўлган эди.

Бундан ташқари, репрессия деганда, мавжуд тузумни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш мақсадида давлат органлари томонидан кўпланилган жазолашга оид чора-тадбирлар тушунилади.

Маънавий таҳдид тушунчасига берилган таъриф ва тавсифлар ичida 2008 йилда нашр этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли китоб ғоят мұхим аҳамият касб этади. Унда маънавий таҳдид куйидагича тавсифланган:

- инсоннинг руҳий дунёсини издан

## ТАРИХ

чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлар;

- аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган хуружлар;

• миллпий ва диний томирларимизга болта уришни, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлаган мафкуравий хуружлар;

• миллпий ғурур, миллпий ифтихор туйғусига, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарлар;

• бегона мафкура ва дунёкарашни аввало ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилган хатарлар;

• мамлакат хавфсизлиги ва миллпий манфаатларига таҳдид соладиган ҳамда жамиятни инқирозга олиб келувчи хавф-хатарлар [2].

Мазкур тавсифларнинг эътиборли жиҳати шундаки, маънавий таҳдид инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари тарзида баҳоланиб, обьекти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллари аниқ белгилаб берилган.

А.Эшмуродов ҳозирги кунда глобаллашув жараёни таъсирида миллпий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидларнинг шакллари сифатида космополитизм, рангли революциялар, интернет, мутаассиблик, диний ақидапарастлик, “оммавий маданият”, индивидуализм, эгоцентризм, нигилизм, скептицизм, вандализм, гиёҳвандлик, одам савдоси кабиларни ёритган [6,143-150]. Шунингдек, С.Минаваров маънавий соҳадаги замонавий таҳдидлар сифатида халқаро терроризм, диний экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларини белгилаган [7,46].

Шуни таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда чол этилган илмий тадқиқотларда халқаро терроризм, сепаратизм, коррупция, СПИД касаллиги, порахўрлик, иқтисодий жиноятлар, наркобизнес, рангли революциялар, одам савдоси каби таҳдидларга маънавий таҳдидлар сифатида қаралмоқда. Мазкур таҳдидлар сифатида кўрилаётган ва ҳозирги даврда кучайиб бораётган терроризм ва сепаратизм ўз мақсад ва ҳаракатларига кўра маънавий таҳдидлардан фарқ қиласи. Жумладан, терроризм, Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиши ёки бошқа жиноий қилмишлар ҳисобланади [8]. Бундан ташқари, сепаратизм – бу, бирон-бир кичик худуд ёки вилоятнинг асосий давлат таркибидан ажралиб, мустақил худуд сифатида чиқиши ёхуд автономия мақомини қўлга киритиш учун ҳаракат қилишидир.

Фикримизча, мазкур таҳдидларнинг таъсир этиш обьекти ва мақсади бошқа бўлиб, уларнинг асосий қисми миллпий хавфсизликнинг бошқа соҳаларига, хусусан, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳага бевосита таъсир кўрсатадиган таҳдидлардир. Айнан инсоният ва жамият маънавий оламини тўғридан -тўғри издан чиқаришга йўналтирилмаган.

Маънавий таҳдидларни белгилашда кўплаб ижтимоий масалаларни таҳдид сифатида киритилиши маънавий таҳдидлар обьектининг кенгайишига ва чегарасининг емирилишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, маънавий таҳдидларни мониторинг қилиш, таҳдидлар даражасини аниқлаш ва уларга қарши кураш самарадорлигини пасайтиради.

### **Хорижлик олимларнинг “маънавий таҳдид” тушунчасига ёндашувлари**

Россия Федерацияси олимлари Н.А.Федоряк, Е.А.Бокша, П.И.Чижик, А.А.Возьмитель ва А.И.Хвиля-Олинтерлар томонидан маънавий таҳдидларга берилган таърифларида қуидаги ёндашувларни кузатиш мумкин.

Хусусан, социолог Н.А.Федоряк ҳозирги вақтда Россиянинг маънавий хавфсизлигига йўналтирилган асосий таҳдидлар сифатида қуидагиларни киритган:

- ижтимоий-маданий парчаланиш ва авлодлар ўртасидаги муносабатларнинг инқирози;
- барбод бўлган коммунистик мафкурадан сўнг пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқ;
- демографик инқироз;
- онг ва феъл-атворнинг криминаллашиб бориши;
- “оммавий маданият”нинг кучайиши ва унинг вестернизациялашуви;
- аҳолининг ижтимоий қатламларга ажралиши ва ижтимоий табақаланишнинг ўсиши;
- аҳоли ижтимоий аҳволининг пасайиши ва бошқалар [9,10].

Мазкур ёндашувнинг ўзига хос

жиҳатларидан бири ижтимоий масалалардаги муаммоларни ҳам, жумладан, аҳолининг ижтимоий қатламларга ажралиши ва ижтимоий табақаланишининг ўсиши, ижтимоий ахволнинг пасайиши ва демографик инқирозлар ҳам маънавий таҳдидлар сифатида қаралади. Шунингдек, тадқиқотчилар А.А.Возьмитель ва А.И.Хвиля-Олинтерлар диний эътиқодга таъсир этувчи омиллар билан бирга демографик муаммоларни маънавий таҳдидлар сифатида таҳлил қилганлар [10,109]. Бу эса рус тилидаги “духовность” тушунчаси ўзбек тилидаги “маънавият” тушунчасидан мазмунан фарқ қилишини, жумладан, ўзбек ва рус тилларидаги “маънавий таҳдид” тушунчасининг ҳам ўзаро фарқларини кўрсатади.

Файласуф Е.А.Бокша маънавий таҳдидлар сифатида оиласлар турмуш тарзига йўналтирилган бузғунчи характердаги, маънавий қарама-қаршиликларни келтириб чиқарувчи омилларга эътибор қаратган [11]. Жумладан, у қуидагиларни ҳозирда Россия оиласларининг ҳаётига қарши қаратилган маънавий таҳдидлар сифатида баҳолаган:

- радикал феминизм мафкураси;
- гей-маданияти ғоясининг тарқалиши (оммалашуви);

● шаҳватпарастликнинг (эротизм) тарғиботи;

- оиласда эгоистик (худбинлик) кайфиятнинг кучайиши;
- бозор идеалларининг маънавий асосларга салбий таъсири.

Файласуф П.И.Чижикнинг фикрича, маънавий таҳдид – бу, ижтимоий борлиқдаги бузғунчи хусусиятларга эга ички ва ташки жараёнлар, ҳодиса ва шарт-шароитлар ҳисобланади. Улар жамиятнинг маънавияти ва унинг субъектларига салбий таъсир кўрсатади, ижтимоий ҳаётнинг ўзгарувчи шарт-шароитларига мослашиш учун фуқароларни қўшимча меҳнат сарф қилишга мажбур қилади[12,18].

Умуман олганда, россиялик тадқиқотчилар маънавий таҳдидларни белгилашда ўз давлатидаги мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ёндашганлар, жумладан, ижтимоий-маданий парчаланиш, демографик инқироз, аҳоли ижтимоий табақаланишининг ўсиши кабиларни маънавий таҳдидлар сифатида тадқиқ қилганликларини кузатиш мумкин.

Юқоридаги таҳлилардан кўриниб турибдики, маънавий таҳдидлар кенг қамровли

бўлиб, уларга турлича ёндашувлар мавжуд. Мазкур тушунчанинг мураккаб табиати, тадқиқотчиларнинг фикрича, “дунё ягона, бироқ воқеликлар турфа хил”[13] тезисига тўғри келади.

Таҳдид билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳиятини англаш учун хавфсизлик назариясида мазмуни ёритиб берилган “хавф” ва “таҳдид” тушунчаларининг фарқли томонларини билиш муҳимdir.

Биринчидан, хавф – бу, маълум бир зарар етказиш, яъни хавфсизлик обьекти структураси ёки бошқа хусусиятларини ўзгаририш орқали унинг чидамлилик ва рақобатбардошлилик салоҳиятини камайтириш эҳтимолидир [14,37].

Булардан ташқари, хавф бирор-бир сиёсат субъектининг имкониятлари бўлиши мумкин, лекин у ҳали ўз мақсадлари йўлида куч ишлатишга ёки кўрқинч солишга тайёр бўлмаган ҳолати ҳисобланади. Таҳдид эса зарар келтиришга тайёрлик даражаси билан хавфдан фарқ қилади. Таҳдид – бу, бирор-бир субъектнинг бошқа бир аниқ обьектга ўз мақсадларига эришиш учун куч ишлатишга тайёрлиги, қарама-қаршилик кучайишининг энг охирги босқичи (даври), бевосита конфликт олдиаги ҳолатдир.

Иккинчидан, таҳдид доимо маълум бир манзилга йўналтирилганлиги, унинг субъекти (таҳдид манбаси) ва обьектининг мавжудлиги, субъект фаолиятини обьектга йўналтирилганлиги билан намоён бўлади. Хавф тахминий характердалиги билан таҳдиддан фарқланиб, унинг субъекти ва обьектини аниқ кўрсатиб (ифодалаб) бўлмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, “маънавий таҳдид” тушунчасини таърифлашда унинг қуидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, маънавий таҳдид инсонларнинг руҳиятига турли йўллар билан таъсир кўрсатиб, уни издан чиқаради, турмуш тарзи, урф-одатлари, эътиқодининг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунингдек, кишилар онгida ёт ғояларнинг, ўзга маданият ёки эътиқоднинг шаклланишига олиб келади.

Иккинчидан, моддий ва маънавий мероснинг йўқ бўлиб кетиши ҳамда маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши оқибатида жамиятнинг маънавий-ахлоқий илдизларига путур етказилади.

Учинчидан, кишилар онгida ёт ғоялар, бошқа бир маданиятнинг шаклланиши, маънавий қадрият ҳисобланган диний

## ТАРИХ

бағрикенгликтегі ғояларига нисбатан әзтиборсизлик давлатда түрли күринишдаги миллатлараро ва конфессиялараро бекарорликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Миллий хавфсизликнинг обьектлари ва маънавий таҳдидларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда, “маънавий таҳдид” тушунчасини қўйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Маънавий таҳдид – бу, инсонларнинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатиб, уни издан чиқаришга, жамиятнинг маънавий ахлоқий илдизларига птурт етказишга, давлатда миллатлараро ва конфессиялараро конфликтларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи омиллардир. Ушбу таърифда хавфсизликнинг обьектлари бўлган шахс, жамият ва давлат ўз аксини топган. Маънавий таҳдидлар айнан шахс, жамият ва давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларига қаратилган бўлади.

Глобаллашув жараёнлари таъсирида миллий хавфсизликка қаратилган таҳдидлар, жумладан, маънавий таҳдидлар кучайиб боради. Шу сабабли, маънавий таҳдидларни аниқлашда маънавий соҳадаги манфаатларни шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига ажратган ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, маънавий таҳдидлар бевосита маънавий соҳадаги манфаатларга қаратилган бўлади.

Маънавий хавфсизликни таъминлашни самарали ташкил қилиш, шу жумладан, мазкур соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш учун асос бўладиган Ўзбекистон Республикасининг Маънавий хавфсизлик

## Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш. Олий Мажлисга Мурожаатномаси. З том. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
4. Алимардонов Т. Эркинлик руҳи. -Т.: “Нишон-ношир”, 2015.
5. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Т.: «Ўзбекистон», 2013.
6. Тўраев Ш. Маънавий таҳдид (ёндашувлар ва таҳлиллар) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Т., 2013.
7. Эшмуродов А. Ривожланаётган дунёнинг маънавий таҳдидлари ва уларнинг салбий оқибатлари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Т., 2018. – № 2 (82) .
8. Минаваров С. Маънавий соҳадаги замонавий таҳдидлар // Жамият ва бошқарув. – Т., 2009. – № 3.
9. Терроризмага қарши кураш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 15.12.2000 й. №167-II. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001 й. № 1-2.
10. Федоряк Н.А. Молодежь в системе обеспечения духовной безопасности Российского общества: основные угрозы и стратегии их преодоления: Автореф. дис. ... канд.. социологических наук. – Ростов-на-Дону, 2009.
11. Духовная безопасность России (актуальные теоретико-методологические и практические проблемы духовной безопасности): Научно-методическое пособие / архиепископ Иоанн (Попов), Возьмитель А.А., Хвыля-Олинтер А.И. – М., 2005.
12. Бокша Е.А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ): Автореф. дис. ... канд.. философских наук. – Москва, 2008.
13. Чижик П.И. Духовная безопасность российского общества как фактор военной безопасности государства: Автореф. дис. ... докт. философских наук. – М., ВУ, 2000.
14. Critical Security Studies and World Politics / Ken Booth, ed. – London: Lynne Rienner Publishers, 2005.
15. Бобокулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўкув кўлланма. – Т.: ЖИДУ, 2011.

концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати мавжуд. Шунингдек, маънавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган қонунчиликда ва шу соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда давлат дастурларини ишлаб чиқишида уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, “маънавий таҳдид” атамасини ишлатиш лозим. Негаки, илмий манбалардан фарқли ўлароқ, мазкур тушунчалар ҳозиргача расмий манбаларда алоҳида кўриб чиқилмаган.

Янги таҳрирда тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясида ҳам маънавий соҳага қаратилган асосий хавф ва таҳдидларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биринчидан, “маънавият” тушунчаси ўзига хос маънога ва мазмунга эга. Уни ишлатиш учун етарлича асослар мавжуд; Иккинчидан, “маънавий таҳдид” тушунчасининг маънавиятни манипуляция қилишга уриниш кўринишида талқин этилиши ижтимоий, маънавий жиҳатдан салбий ҳолатдир. Учинчидан, маънавият инсоннинг моҳияти билан боғлиқ. Инсонни маънавий мавжудот сифатида издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай таҳдид “маънавий таҳдид”нинг ўзига хос кўринишидир. Тўртинчидан, маънавий юксалиш “маънавий таҳдид” кўринишларининг олдини олади. Фақат у моҳиятига мос бўлиши зарур ва ҳеч қачон ниқобга айланмаслиги стратегик аҳамиятга эга. Шунда, маънавий таҳдидга ундовчи сабаблар, омиллар камайиб боради. Бу, инсониятни айрим бузук ғоявий-мағкуравий ва маънавий таҳдидга ундовчи омиллардан асрайди.